



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАР МАЪСУЛЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ

Собирова Дилфуза Тухтасиновна<sup>1</sup>, Солибоева Гулбахор  
Хошимовна<sup>2</sup>

<sup>1</sup>АДУ тарих факултети доценти, <sup>2</sup>тарих факултети 2-босқич  
магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6319499>

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-Fevral 2022  
Ma'qullandi: 15 - Fevral 2022  
Chop etildi: 20 - Fevral 2022

### KALIT SO'ZLAR

Хотин-қизлар, жамият,  
тадбиркорлик, бошқарув,  
қонунлар, ҳуқуқлар,  
ишбилармонлик,  
имтиёзли, зиёли

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада бугунги кунда аёлларга бўлган эътибор уларнинг ижтимоий иқтисодий соҳаларда иштироки аёллар турмуш тарзини яхшилаш учун чиқарилаётган қонунлар ва фармонларнинг ижроси ҳақида фикр билдирилган.*

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув шароитида миллат манфаатларини ҳимоя қилишнинг стратегик йўли бу жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий янгилианишидан иборатдир. Ўзбекистоннинг жаҳонда ва Марказий Осиё ижтимоий-маданий маконида ўзини намоён эта олиши, унинг демократик тараққиёт жараёнларида фаол иштирокини таъминлайди. Бу жараёнда табиийки илм-маърифатли, интеллектуал билимларга эга бўлган кадрларга эҳтиёж янада ортади. Ана-шу эҳтиёж мамлакат аҳолисининг ярмини ташкил қилаётган хотин-қизлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият ва вазифалар юклайди. Янги Ўзбекистоннинг замонавий билим ва малакаларга эга бўлган ташаббускор аёллари жамиятнинг тенг ҳуқуқли

аъзоси сифатида мамлакат тараққиёти йўлида жамиятнинг деярли барча соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар.

Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш ва манфаатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида охириги тўрт йилда аёл-қизлар масаларига доир 2 та Қонун, ҳамда Президентнинг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ҳозирги кунда замонавий тараққиётга мос, ижтимоий ҳаётда фаол, интеллектуал билимга эга, оилада ва жамиятда оқилона иш тутадиганаёлларнинг муваффақияти мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Шу сабабдан ҳам бугунги глобаллашув жараёнида жаҳонда ва



мамлакатимизда аёллар масъулиятини ошириш, ижтимоий, иқтисодий, маданий тараққиёт мезонларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатда инновацион иқтисодиёт модернизациялаш жараёни даврида аёллар интеллектуал меҳнатини самарали ривожланиши катта ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Замонавий таҳлилчиларнинг фикрига кўра сиёсатдаги аёлларнинг роли жамиятда қарор топган дунёқарашдан келиб чиқар экан. Бу масалага давлатимиз тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. 2019 йил парламент сайлови натижалари, айнан шу фикрларни исботини кўрсатди. Яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига мамлакатимиз парламенти тарихида илк бор 48 нафар аёл депутат бўлиб сайланди<sup>1</sup>, бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди”<sup>2</sup>. Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга

кўтарилди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Илк бор Сенатда Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича қўмита ташкил этилди. Мамлакатимизда гендер масаласига оид Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562 сонли Қонуни қабул қилинди<sup>3</sup>. Бугунги кунда миллий парламентимизни аёл киши Танзила Камоловна Норбоеванинг бошқараётганининг ўзи мамлакатимизда аёллар ижтимоий-сиёсий фаолиятига билдирилган ишончининг энг юксак наъмунасидир. Эндиликда аёлларимиз – туман ва шаҳар ҳокими лавозимларида фаолият олиб бормоқдалар.

Маълумки гендер тенглик – бу мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи индикатордир. Ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим шартларидан бири юртимизга тобора кўпроқ инвестициялар жалб қилиш учун айнан шу индикаторга етарлича аҳамият беришимиз керак<sup>4</sup> дея эътироф этилган. Халқаро майдонда белгиланган ушбу

<sup>1</sup> 8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. // <https://president.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 20.01.2020.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://uzreport.news/politics/shavkat->

[mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-75-sessiyasida](http://mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-75-sessiyasida)

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

<sup>4</sup> <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-olib-borilgan-gender-siyosati-inson-huquqlari-kafolatlanishining-muhim-mezoni-2> Мурожаат этилган сана 08.12.2021.



тартибга эътибор мамлакатимизда тобора ортиб бормоқда. Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларида асосий мақсадларнинг бири сифатида белгиланди.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми – 17 миллиони хотин-қизлардир. Бугун республикаимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил қилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Бир ярим мингга яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Бу борадаги салоҳиятни янада ошириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилгани қайд этилган.<sup>5</sup>

Маълумки, 2021 йилнинг 22 февраль куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши сессиясида нутқ сўзлаб, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ва тадбиркорлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишлар қатъий давом эттирилиши ҳақида таъкидлаб ўтган эди. Бугун яратилган имкониятлар натижасида Ўзбекистонда тадбиркор аёлларнинг бизнесдаги улуши 39 фоизни ташкил этмоқда.

Мамлакат тарихида ўзининг ноёб иқтидори, чуқур билими, савияси ва зукколиги билан ном қолдирган ҳамда

мустақил дунёқарашга, фалсафий мушоҳадага эга юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда алоҳида ўрнига эга юзлаб фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари орасида ўз билими ва истеъдоди билан Ватан равнақига астойдил хизмат қилиб келаётган олималар сафи кенгаймоқда.

Ҳозирда илмий фаолият билан шуғулланаётган аёлларнинг 3 568 нафари илмий даражага эга бўлиб, уларнинг 707 нафари фан доктори, 2 412 нафари фан номзоди ва 449 нафари PhD илмий даражасига эга ходимлар ҳисобланади. Бугунги кунда илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ умумий йиллик молиявий ҳажми 45,4 млрд сўмлик 82 та илмий лойиҳа (27,8 млрд сўмлик 57 та амалий, қарийб 17 млрд сўмлик 25 та инновацион лойиҳа) олима аёллар томонидан бажарилмоқда<sup>6</sup>.

Мамлакатимизда янги давлатчилик асослари яратилаётган, янги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва ижтимоий-иқтисодий маданият кенг тарқалаётган даврда янги жамиятни аёллар ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини англамасдан ва уларнинг иштирокини таъминламасдан қуриб бўлмайди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда уларнинг интеллектуал салоҳияти муҳим омиллардан бири бўлиб, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан саводхон, атрофдаги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлсагина

<sup>5</sup><https://president.uz/uz/lists/view/4209> Мурожаат этилган сана 08.01.2022.

<sup>6</sup><http://m.xabar.uz/jamiyat/tanzila-narbaeva-biz-yosh-olimalar-avlodini-tarbiyalashimiz> Мурожаат этилган сана 06.01.2022.



жамиятдаги ижтимоий муносабатларга  
кириша олади.

Зеро Янги Ўзбекистон шароитида хотин-  
қизлар демократик жараёнларнинг  
кузатувчиси эмас, балки фаол ва

ташаббускор иштирокчиси бўлиши  
мақсадга мувофиқдир.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи//<https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-75-sessiyasida>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи// 22.06.2019//[www.uz.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-06-2019](http://www.uz.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-06-2019)
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқи. //<https://president.uz/uz> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.20.01.2020.
5. <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-olib-borilgan-gender-siyosati-inson-huquqlari-kafolatlanishining-muhim-mezoni-2>
6. <https://president.uz/uz/lists/view/4209>
7. <http://m.xabar.uz/jamiyat/tanzila-narbaeva-biz-yosh-olimalar-avlodini-tarbiyalashimiz>